

ҚЎЧҚОР НОРҚОБИЛ НАСРИДА АФҒОН УРУШИ МАВЗУСИ

Гузал Амиркуловна ХИММАТОВА

Катта ўқитувчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

guzalximmatova@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада уруш мавзуси, жумладан афғон урушининг жамиятга, инсоният тақдирига кўрсатган салбий оқибатлари хусусида сўз юритилади. Шунингдек Қўчқор Норқобилнинг афғон уруши мавзусига бағишлаб ёзган айрим асарлари таҳлилга тортилди.

Таянч сўзлар: уруш, проза, ҳаёт, ижодкор, кундалик, бадиий адабиёт “Қуёшни ким уйғотади”, проза.

ТЕМА АФГАНСКОЙ ВОЙНЫ В ПРОЗЕ КУЧКАРА НОРКОБИЛЯ

Гузал Амиркуловна ХИММАТОВА

Старший преподаватель

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

guzalximmatova@mail.ru

Аннотация

В настоящей статье речь идет о теме войны, в том числе, отрицательном воздействии войны на жизнь общества, судьбу человека. А также проанализированы некоторые произведения Кочкара Норкобиля, посвященные афганской войне.

Ключевые слова: война, проза, жизнь, творческий человек, дневник, художественная литература, «Кто разбудит солнце», проза.

Инсоният яралибдики, у урушлар билан ҳамоҳанг яшаб келмоқда. Дунё шу кунга қадар кўплаб катта-ю кичик урушларга гувоҳ бўлди. Ўзбек адабиётида ҳам Иккинчи жаҳон уруши мавзусида қатор насрий асарлар яратилган. Чунки дунёни ларзага келтирган Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбек ўғлонлари орасида Шухрат, Одил Ёқубов каби қаламкашларимиз ҳам уруш ўчоғларида бўлди. Шухратнинг “Олтин зангламас” ва “Шинелли йиллар” романлари ўзбек адабиётида ҳарбий насрда яратилган ижод намуналарининг энг сараларидан саналади. Уларда уруш жараёнида одамлар ҳаёти, уларнинг ўй-хаёллари, туйғулари, армонлари ўз бадиий ифодасини топган. Шухрат уруш мавзусида дастлаб

“Шинелли йиллар” романини яратди. Романнинг бош қаҳрамони Элмуроднинг ҳаёти мисолида уруш воқеалари ва манзарасини ҳаққоний акс эттирди.

Адибнинг ўзи “Олтин зангламас” асари ҳақида гапирар экан, уни “Юрагимнинг очиқ яраси ва шукронаси” деб атайди. “Олтин зангламас”даги ҳаётни яхши биламан. Улар мен билан бирга бўлган, мен учратган кишиларнинг ҳаёти. Мен бу ҳаётнинг атрофида эмас, нақ ичида бўлганман” [2].

Уруш мавзуси ҳақида гап кетганда Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романини назардан четда қолдириб бўлмайди. Гарчи адиб урушда ўзи бевосита иштирок этмаган бўлса-да, бу асарларни ўқир экансиз, гўё муаллиф бу воқеаларни ўз кўзи билан кўргандек тасаввур уйғонади.

Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романидаги урушнинг фожиавий оқибатлари тасвири инсонни ларзага келтиради. Ўлмас Умарбековнинг “Уруш одамлари” қиссасидаги Мариянинг аянчли тақдирига уруш сабабчи эканлиги тасвирланади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида собиқ СССР Афғонистонга ўз кўшинини киритди. Бунинг оқибатида ўзбек йигитлари ҳам уруш ўчоғига ташланди. Уларнинг кўпчилиги жангларда ҳалок бўлди, аксарияти ногирон бўлиб она Ватанига қайтди. Қанча ўзбек оналари ўз ўғлонларининг тобутини кучоқлаб йиғлади. Тўғри, урушда орттирилган тан жароҳати йиллар ўтиши билан битиши мумкин, аммо қалб жароҳати бир умрга қолади. Афғон уруши ҳақида кўплаб шеърӣ, насрий ва драматик асарлар яратилди.

Қўчқор Норқобил ижодида, хоҳ у назмӣ, хоҳ насрий ёки драматик асарлар бўлмасин, уларнинг деярли барчасида “афғон уруши” мавзуси етакчилик қилади. Адиб урушни ўз кўзи билан кўрган, иштирок этган. Ўзи билан ёнма-ён юрган сафдошлари кўз олдида жон берган, қонга беланган, оддий аҳоли қанчалик жабр кўрган. Гарчи уруш тугаган бўлса-да, унинг жароҳатлари, асоратлари ҳали-ҳамон тугаган эмас. Адибнинг ўзи суҳбатларининг бирида шундай дейди: “Нима ёзсам юрагимга зарб берган

нарсаларни ёздим, севдим, севилдим, ёндим, борини тўқдим. Бироқ, калбимда чўкиб ётган, азоб берган, қийнаган ҳаёт ҳақиқатларини шеърга солишга кучим етмади, уруш мавзуси, ўзим кўрган, юрагимга ўрнашган дард тошини суғуриб олиш учун шеърятни “азоб”лагим келмади. Прозада қандай асар ёзган бўлсам менга шоирлигим ёрдам берди, ишонинг, шоир насрда калам урса, албатта, эплайди, шеър ёзган одам учун проза анча ўнғай. Менинг ҳолатим, аҳволи руҳиятим, айниқса, мен айтмоқчи бўлган гапга проза елка тутиши мумкинлигини ҳис қилдим... Носирлик ҳам шоирликдир, аслида” [3].

Кўчқор Норқобил уруш ҳақида шунчаки ёзмайди. Балки ўтган асрнинг собиқ тузуми сиёсати ўлароқ мақсадсиз урушга сафарбар этилган ёш, навқирон йигитларнинг доду фарёдлари, армонга айланган орзулари, оналарнинг, бева қолган жувонларнинг нолаларини, вайрон бўлган афғон замини, бегуноҳ одамлар, гўдакларнинг қонга бўялган ҳолатдаги фарёдларини изтироб, оғриқ, алам билан тасвирлайди. “Босинқираш”да адибнинг ўзи шундай ёзади: “Мен афғон уруши ҳақида нима ёзган бўлмайин, ўзимни босқинчи армиянинг, гуноҳи беадад сиёсатнинг қўли қон аскарлари деб ҳисоблаганман. Биз босқинчимиз. Тамом. Бошқа ҳеч қанақа шарҳу изоҳни хоҳламайман. Фақат афғон уруши қатнашчиларини тагин хўрламанглар – байналмилал жангчилар деманглар. Сенларга давлат мурувват кўрсатяпти, деб майдалашманглар.

Афғонда жанг қилган шоир Наби Жалолиддин, одамлар бизга раҳм қилинг, ҳар нарса деб ортимиздан гапирманг, агар биз ортиқчалик қилаётган бўлсак (?) мустақиллик майдонига тўплаб отиб ташланглар, деб ёзди. Йўқ, Наби, бизни отишолмайдилар. Агар афғон урушининг ҳақиқий гуноҳкорлари керак экан, Наби, Сену менга ўқ етмай қолади. Қанчалар министрлар, генераллар, ақлли бошлар отилиши керак. Мен охирида ўзимни ўққа тутиб бераман. Шундаям, ҳали дунёнинг разилликларидан беҳабар ўғлимнинг тинч ва осуда ҳаёти учун, боланг ҳеч қандай урушни кўрмайди, деган мамлакат учун.

Наби Жалолоддин! Бу урушнинг гуноҳкорлари бехисоб, жўра!” [1;302].

Уруш, одатда, адолатли бўлолмайди. Иккала томондан ҳам сон-саноксиз одамлар азоб чекади. Масалан, К.Ибрагимовнинг "Фариштага интилиш" асарида уруш ўз жонига қасд қилишга олиб келадиган кичкина болакай, истездодли скрипкачи ҳаёти орқали болалар дунёсининг кулаши тасвирланган. Уруш жараёнида кўп одамлар ногирон бўлиб қоладилар. Уруш нафақат танани, балки одамнинг руҳини ҳам хиралаштиради.

Деярли барча даврларга оид ҳарбий мавзудаги асарларда ватанпарварлик туйғуси жуда катта аҳамиятга эга. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳамма ҳам ўз ватанига самимий ҳис-туйғу ва севгини намоён эта олмайди. Баъзи одамларнинг ватанпарварлиги, афсуски, жуда безаклидир, яъни бундай одамларнинг баландпарвоз нутқлари орқасида, одатда, ҳеч нарса йўқ. Рус ёзувчиси Лев Толстой ўзининг "Севастополь ҳикоялари" ва "Уруш ва тинчлик" асарларида сохта ватанпарвар аристократлар, рус зобитлари элитаси қиёфасини кўрсатиб беради.

Уруш Толстой ва Хемингуэйларнинг ҳаётида, балки ижодида катта бурилиш ясаган. Ҳар икки ижодкор ҳам урушни қоралаган. Асарларида бу яққол кўринади. Қолаверса, уларнинг кундаликлари ҳам бунга гувоҳлик беради.

Ижодкорнинг кундалик қайдлари унинг бадиий олами, дунёқараши, бадиий-эстетик ғояларини ифодаловчи манбадир. Қўчқор Норқобилнинг уруш пайтида ёзган кундаликларига назар солсак, аввало, уларда ҳам ижодкор, ҳам жангчи сифатида ички кечинмаларини кўрамиз. Бу изтироблар кейинчалик адибнинг асарларига ҳамиртуруш бўлганига шубҳа йўқ.

“Қуёшни ким уйғотади?” асари Қ.Норқобилнинг кундалик қайдлари, ёзувларидан таркиб топган. Унда Афғонистонда кечган уруш ва ундан кейинги йиллардаги хотиралари жамланган.

“Қуёшни ким уйғотади?”нинг илк саҳифаларида шундай сатрларга дуч келамиз: “Сиз мени тушунишга уриниб кўрганингиздан хурсанд бўламан. Тушуна олмаганингиздан хафа эмасман. Баъзида ўзимга оғирлик қилаётган

Ўлим – хотиралар гирдобидан омон чиқишнинг ягона йўли бепарволик деб ўйлайман-да, одамлар дарёсининг ҳаёт оқимида ҳамма қатори яшашга чоғлана бошлайман.

... Ёшим ўттиз бешга етди. Дўстларимнинг айримлари ақлдан оғаяпти. Касалхонада асаб, бош зўриқиш касалига чалиниб даволанишяпти. Мен уларнинг абгор бўлиб бораётган ҳаётини кўриб чидай олмайман. Кечаси ухлолмайдилар. Бақириб-чақиривади. Алаҳсирашади. Босинқираб уйғониб кетадилар. Улар хотира жароҳати хасталигига йўлиқишган.

Ўттиз беш ёшга кириб ҳаёти вайрон бўлган дўстларим. Йўқ, аслида, анча йиллар илгари ўн саккиз ёшда уруш билан илк бор юзма-юз келиб, юракда кўрқув ўрмалаб, ботинда нимадир чирт узилиб кетган палладаёқ ҳаётимиз издан чиқиб кетган эди.

Орадан шунча йиллар ўтаяпти. Вақт ўтган сайин хотиралар қайтадан уйғонишини, уруш кўрган одамлар умр бўйи урушда яшаши, урушдан орттирилган дарднинг тузалмас оғриқ эканини ҳамма ҳам билавермайди.

Баъзида бу ҳаётнинг шунчаки қийинчиликларига дуч келсам, мен урушда шу бугун, шу нарсани кўришим учун ҳам ўлиб кетмаган бўлсам ажабмас... шунга шунча сиқилиш керакмикин, деб қўл силкиб қўя оламан. Бу бир томондан яхши. Бир томондан эса, кишида ҳаётга нисбатан ҳафсаласизлик уйғотади.

Гоҳида бу кунларни кўрмаслигим ҳам мумкин эди. Ўлиб кетишим ҳам мумкин эди-ку, деган ўй билан ўзимга таскин бераман. Қатъият билан ҳаракат қиламан. Ўзимга ишончим ортади.

Баъзида худога шукур дейман. Мен айрим дўстларимга ўхшаб ақлдан озаётганим йўқ. Хотира хуружининг оғриғига дош бераяпман. Тилим бормаяпти, лекин айтаман, ҳаётда кераксиз кимсага айланиб қолмаганман.

Кечалари ортимдан қувлашади, отишади, рўпарамда қурол ўқталиб туришади, портлатишади, танклар билан устимга бостириб келишади, хуллас, алаҳсийман. Бехосият тушлар...

Уруш тугаганига, яъни, урушдан қайтганимга 15 йил бўлди, лекин менинг умримда уруш тугагани йўқ. Ҳар куни урушни эслайман. Мажбур бўламан эшлашга. Нега шундай, билмайман” [1;320].

Инсон ҳаётидаги воқеа ва ҳодисалар бора-бора хотирага айланади. Йиллар ўтиши билан хотиралар жонланади. Яхши бўлса, энтикиб, ширин лаҳзаларни ёдга оламиз. Агар ҳаётингиздаги энг ёмон хотиралар бўлса-чи? Қачондир ўзингиз истамаган ҳолда ғам-ғуссали ёки даҳшатли хотираларни эшлашга мажбур бўласиз. Муаллифни ҳам уруш хотиралари қийнайди. Унга тинчлик бермайди. Адиб шундай ёзади: “Мен эски қўлёмаларим ичидан авайлаб-асраб келаётганим кўк муқовали қалин жилдли иккита кундаликлар дафтаримни олиб варақляпман. Мен уни урушда тутганман. Деярли ҳар куни бир, бир ярим саҳифа ўзим гувоҳ воқеаларни қоғозга туширганман. Хуллас, йўлини топиб, шаклини ўйлаб-ўйлаб кўрсам дуппа-дуруст роман чиқади.

Шу кундаликлардан айрим воқеаларни эълон қилишга журъат қилдим. Мен бу орқали инсон тақдири, инсон юрагининг оғриқлари, ҳаётни севиш, кадрлаш, сабр ва матонат ҳақида фикр юритмоқчиман. Қолаверса, урушнинг нечоғлик даҳшат ва фожиа эканини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак” [1;323].

Адибнинг кундаликлари уруш майдонидан олинган жонли репортажлар эмас. Ёки кундалик воқеалар, уруш жараёнлари шунчаки баён қилинмаган. Балки, улар бадий асар каби ёзилган, воқелик тасвирланган. Мана бу парча фикримизни исботлайди: “... Душман галаси тобора яқин келди. Бу орада уларнинг ортида, ҳимояда туриб бизга снаряд ёғдираётганлар икки жангчининг бошига етди. Хандақларнинг бирига снаряд тушиб, молдован Сасин ва украин Демчук ҳалок бўлди. Доғистонлик Разахонов ярадор. Оғзига темир парчаси тегди. Думбалоқ ошиб худди кучук боласидай аянчли аҳволда ванғилляпти. Взводдаги дўхтир унинг бир томони ўйилиб кетган юзига оғриқсизлантирувчи ампула урди. Яна битта снаряд мен турган

хандақ ёнида портлади. Юзимга оловли шамол урилди. Миямда зирқираб оғрик кўзғолди.

Эмаклаб, гоҳ қисқа сакраш қилиб юқорилаётган душман гуруҳи бизга анча яқинлашиб қолди. Мен алоқа орқали тоғнинг орқа томонида, пастда сайхонликда жойлашган қисм штабига душман билан юзма-юз турганлигимизни махсус атамалар орқали, сирли тарзда тушунтирдим. Штаб бошлиғи вазиятдан келиб чиқиб ўз ҳолимча ҳаракат қилишим лозимлигини уқтирди.

Тоғда саккиз аскар қолдик. Лейтенант, взвод командири яраланди. Ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз зарур. Душман билан орамиз энди юз кадамдан нари-бери.

Мен снайпер ойнасидан душманнинг юз тузилишини ҳам аниқ кўриб турибман. Кетмон соқолли, афт-ангорини жун қоплаган, салласимон бош кийими остидан тушган сочлари елкасида, дўнг пешона бу одам менинг таъқибимдан қочиб қутулиши даргумон. У ҳозир ҳаёти менинг кўлимдалигини, мен уни отиб ўлдиришимни билмайди, лекин ички бир хавотир билан биз томонга, баланд чўққиларга қараб қўйди. Мен ҳатто унинг кўзларини ҳам ойнак орқали кўрдим. Этим жимирлади. Душманнинг кўзига қараш жуда оғир бўларкан. Танамга ваҳима ўралади...” (31 декабрь, 1986 йил. Кечки соат 22:00)” [1;335].

Кўриниб турибдики, муаллиф ҳар бир ҳолатни аниқ, кичик деталигача тасвирляпти. Душманнинг ташқи қиёфаси, портрети, ўзининг ички кечинмалари ҳам бадий асардагидек. Албатта, муаллиф бу ерда айбдорликни сезади. Лекин урушнинг ўз қонуниятлари бор: сен отмасанг, сени отишади.

Баъзан уруш одамни инсонийлик чегарасидан чиқаради. Ҳаёт-мамот учун кураш асосий масалага айланади. Қандай бўлмасин, урушда омон қолиш истаги кучли бўлади. Ўлим шарпаси ҳар доим кезиб юрадиган жанг майдонидан тирик чиқиш энг олий бахтга айланади. Бу қайтадан дунёга келиш билан баробардир. Қуролдошинг, сенга ўз яқинингдек бўлиб кетган

сафдошингни қонга беланиб ётган танасини кўриш азоби руҳиятингни, қалбингни остин-устун қилиб ташлайди. Бора-бора дийданг қотади. Ўлим энди сени кўрқитмайди. Балки ҳар лаҳза ўлимни қарши олишдан чўчимайсан. Қачондир тилка-пора бўласан-да, барча азоблардан қутуласан.

Умуман, ёзувчи ижоди, хусусан, насрида уруш мавзусининг бадиий акс этишида унинг дунёқарашидаги ўзгаришлар ва бунга ўзи иштирок этган Афғон уруши сабаб бўлган. Адибнинг ижод қилишида, янги асарларининг дунёга келишида унинг кундалик қайдлари, кўзи билан курган воқеа-ходисалар асосий манба бўлиб хизмат қилаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Норқобил Қ. Қуёшни ким уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 382 б.
2. <https://adolatgzt.uz/society/5093>
3. <http://uza.uz/oz/society/-ch-or-nor-obil-adabiyet-bu-zni-anglamo-degani--12-04-2018>